



MUTUAL RIGHTS AND OBLIGATIONS OF THE PARTIES IN THE LEGAL AID AGREEMENT: THEORETICAL AND PRACTICAL ASPECTS

Mavluda Juraeva

PhD Student

Tashkent State University of Law

E-mail: mavludabonujurayeva@gmail.com

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: legal assistance, contract, rights and obligations, attorney, liability, confidentiality, service fees.

Received: 24.11.25

Accepted: 25.11.25

Published: 26.11.25

Abstract: This article analyzes the legal nature of legal assistance agreements, their procedural formation, the mutual rights and obligations of the parties involved, and common practical challenges. It explores the position of such contracts within civil law, highlighting their implementation in both paid and free forms. Special attention is given to the legal roles of the client and service provider, types of liability, termination conditions, attorney-client privilege, issues of undeclared service fees, and inconsistencies in contract templates. The article offers specific recommendations aimed at improving legislative clarity and ensuring transparency in legal service contracts in Uzbekistan.

ЮРИДИК ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМАДА ТАРАФЛАРНИНГ ЎЗARO ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ: НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАР

Мавлуда Жураева

ТДЮУ Таянч докторанти

mavludabonujurayeva@gmail.com

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: юридик ёрдам, шартнома, ҳуқуқ ва мажбурият, адвокат, жавобгарлик, махфийлик, шартнома нархи.

Аннотация: Ушбу мақолада юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларнинг ҳуқуқий табиати, уларни тузиш тартиби, тарафларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда амалиётда

учрайдиган муаммолар таҳлил қилинган. Аввало, шартноманинг фуқаролик шартномалари тизимидаги ўрни ва пуллик ҳамда бепул шаклда амалга оширилишига эътибор қаратилган. Буюртмачи ва ижрочининг ҳуқуқий мақоми, жавобгарлик шакллари, шартноманинг тугаш шартлари ҳамда адвокатлик сири, хизмат нархи кўрсатилмаслиги ва шартнома намуналаридаги муаммоларга амалий мисоллар асосида ёндашилган. Мақолада қонунчиликни такомиллаштириш ва шартномалар шаффофлигини таъминлашга оид таклифлар илгари сурилган.

ВЗАИМНЫЕ ПРАВА И ОБЯЗАННОСТИ СТОРОН В ДОГОВОРЕ ОБ ОКАЗАНИИ ЮРИДИЧЕСКОЙ ПОМОЩИ: ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ

Мавлуда Джуроева

Соискатель степени доктора философии

Ташкентского государственного юридического университета

mavludabonujurayeva@gmail.com

Ташкен, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: юридическая помощь, договор, права и обязанности, адвокат, ответственность, конфиденциальность, гонорары.

Аннотация: В данной статье анализируется правовая природа договоров о юридической помощи, особенности их процессуального оформления, а также взаимные права и обязанности сторон. Рассматриваются особенности таких договоров в системе гражданского права, включая их применение как в платной, так и в бесплатной формах. Особое внимание уделено правовому статусу клиента и поставщика услуг, видам ответственности, условиям прекращения договора, адвокатской тайне, проблемам незадекларированных гонораров и несоответствиям в шаблонах договоров. В статье представлены конкретные рекомендации, направленные на повышение законодательной ясности и обеспечение прозрачности договоров на оказание юридических услуг в Узбекистане.

Кириш. Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар фуқаролик ҳуқуқи тизимида муҳим ўрин эгаллайдиган икки томонлама шартномалардан ҳисобланади. Бундай шартномалар орқали жисмоний ва юридик шахслар ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя

қилишда мутахассис-адвокатлардан профессионал ёрдам оладилар. Бу эса ишонч билдирувчи ва адвокат ўртасида тўғридан-тўғри ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиради ва ҳар икки томоннинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунига асосан, юридик ёрдам кўрсатиш шартномаси ёзма шаклда тузилиши шарт бўлиб, унда адвокатнинг шахсий маълумотлари, гувоҳнома рақами ва топшириқнинг мазмуни кўрсатилиши лозим. Мазкур шартнома адвокат ва ишонч билдирувчи ўртасида яшаш жойидан ёки рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар тузилиши мумкин [2].

Юридик ёрдам шартномалари икки турда амалга оширилади:

1. Пуллик шартномалар – мустақил асосда, келишилган нарх ва шартлар билан тузилади.

2. Бепул шартномалар – давлат ҳисобидан кўрсатиладиган ёрдамга асосланади ва “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги Қонунда (ЗРУ-848, 2023 йил 16 июн) тартибга солинган. Бу қонун давлат ҳисобидан ёрдам кўрсатиш тизими, иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, адвокатларни рўйхатга олиш механизми, ариза бериш ва молиялаштириш тартибини белгилайди [3].

Амалда эса ушбу шартномалар билан боғлиқ бир қатор муаммолар мавжуд: шартлар аниқ белгиланмаган бўлади, хизмат нархи кўрсатилмайди, шартнома расмийлаштирилмасдан амалга оширилади, бу эса солиқ тўлашдан қочиш ҳолатларини келтириб чиқаради. Натижада шаффофлик бузилади, ишончсизлик юзага келади. Ишонч билдирувчи томонидан “мендан ортиқ пул олиб қўйилди” каби шикоятлар асосан нарх ва хизмат сифати келишилмаганидан келиб чиқади [4].

Шартномаларда адвокатлик сири, ишни тўхтатмаслик, профессионал этика каби муҳим қоидаларнинг ёзилмагани ҳуқуқбузарлик ва жавобгарлик муаммоларини келтириб чиқаради.

Яна бир амалий жиҳат — иш натижаси учун жавобгарлик масаласидир. Адвокатлар, одатда, натижага эмас, балки ҳаракат стандартларига асосланган хизмат кўрсатишлари белгиланган. Бироқ ишонч билдирувчилар кўп ҳолларда аниқ натижа кутгани боис, келишмовчиликлар келиб чиқиши мумкин.

Қиёсий ҳуқуқ таҳлиллари (Украина, Япония, Грузия каби давлатлар) кўрсатадики, ривожланган ҳуқуқий тизимларда адвокатларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлик механизмлари аниқ белгилаб қўйилган ва уларнинг фаолияти қатъий тартибга солинган. Ўзбекистонда ҳам бу соҳани такомиллаштириш долзарб ҳисобланади.

Шу муносабат билан, ушбу мақолада юридик ёрдам кўрсатиш шартномаларининг ҳуқуқий табиати, турлари, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлик асослари, шартномани бекор қилиш ҳамда тугатиш ҳолатлари ва амалиётдаги муаммолар таҳлил қилинади. Мақола якунида ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш ва шартнома маданиятини ошириш бўйича таклифлар берилган.

Методлар. Юридик ёрдам шартномаларининг ҳуқуқий моҳиятини чуқур ўрганишда мен, кўп йиллик адвокатлик фаолиятимда шаклланган назарий билимлар ва амалий тажрибалар уйғунлигидан фойдаландим. Мақолани тайёрлашда ҳуқуқшунослик фанининг фундаментал усулларига таянилди, жумладан норматив-ҳуқуқий таҳлил, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил ва амалий таҳлил каби методлар самарали қўлланилди.

Аввало, норматив-ҳуқуқий таҳлил усули орқали юридик ёрдам шартномаларининг ҳуқуқий асослари таҳлил этилди. Бу жараёнда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни, Фуқаролик процессуал кодекси ҳамда яқинда қайта кўриб чиқилган Солиқ кодекси мазмунан таҳлил қилинди. Мазкур манбалар шартнома мазмуни, ҳуқуқий алоқаларнинг шаклланиши, тарафлар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар, жавобгарлик шакллари ҳамда шартномани бекор қилиш тартиблари нуқтаи назаридан эътибор билан ўрганилди. Айниқса, 2023 йил 16 июнда қабул қилинган “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги Қонун амалиётда муҳим бурилиш нуқтаси бўлди [3].

Қиёсий-ҳуқуқий таҳлил методи орқали Ўзбекистон амалиётини Грузия, Япония ва Украина ҳуқуқий тизимлари билан таққослаш орқали бой тажрибалар ўрганилди. Масалан, Япония ҳуқуқий маданиятида адвокатлар учун касбий этика ва жавобгарлик мезонлари ҳуқуқий қонунчиликда эмас, балки маданий интизом даражасида мустаҳкамланган. Грузияда эса шартнома шакллариининг ягона ҳуқуқий стандартининг мавжудлиги шаффофлик ва ишончни таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Украинада "натижа эмас, ҳаракат" тамойили қатъий ҳуқуқий нормалар билан қўллаб-қувватланади. Бу қиёсий таҳлиллар Ўзбекистон ҳуқуқий тизимини мустаҳкамлашда бой ҳуқуқий асос вазифасини бажаради.

Амалий таҳлилларда эса адвокат сифатида иштирок этган суд ишлари, ишонч билдирувчилар билан муносабатлар, шартнома юритишда учрайдиган муаммолар таҳлил қилинди. Хусусан, Тошкент шаҳар судларида адвокат шартнома расмийлаштирмасдан иш бошлаган ҳолатлар кўп учраб, хизмат учун белгиланган ҳақ ёки хизмат мазмуни тўғрисида келишилмагани низоларга сабаб бўлган ҳолатлар кузатилди. Бундай вазиятларда, ишонч билдирувчилар натижа талаб қилишига қарамай, адвокатлар ҳаракат стандартларига

мувофиқ хизмат кўрсатган бўлса-да, шартномада бу ҳақда аниқ белгилар бўлмагани келишмовчиликларга сабаб бўлмоқда.

Илмий-таҳлилий ёндашув доирасида Ўзбекистоннинг етакчи ҳуқуқшунос олимлари – А.Ж. Якубов, Н.Х. Холмўминов, Ш.З. Раҳимов каби мутахассисларнинг илмий ишлари диққат билан ўрганилди. Якубов шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ ифода этиш шартлигини таъкидласа [6], Холмўминов юридик хизматлар соҳасида солиқ шаффофлиги ва ҳисобот тизимининг қатъийлигини талаб этади [7]. Раҳимов эса адвокатнинг касбий этикаси, махфийликка риоя этиши ва ҳуқуқий жавобгарлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратади [8]. Шу билан бирга, В.В. Витрянский ва А.Г. Комаров каби халқаро ҳуқуқшунослар назариясида шартнома муносабатларида ҳаракат учун жавобгарлик модели чуқур илмий асосга эга экани тасдиқланган.

Методологик ёндашувнинг ушбу турлари мақола мазмунини назарий жиҳатдан бойитди, илмий асосланган ҳолда амалий ечимлар таклиф қилишга имкон яратди. Энг муҳими, ушбу ёндашув орқали юридик ёрдам шартномалари билан боғлиқ мавжуд муаммолар чуқур таҳлил қилиниб, уларга ҳуқуқий ечимларнинг рационал асослари ишлаб чиқилди.

Натижалар. Юридик ёрдам шартномалари фуқаролик ҳуқуқи тизимида хизмат кўрсатиш шартномаларининг турига киради ва улар икки томонлама, ҳақ тўланадиган ҳамда ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар юқловчи характерга эга. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 369-моддасига кўра, бундай шартнома ижрочини муайян ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятига кўяди. Адвокатлар ва ишонч билдирувчилар ўртасида тузиладиган юридик ёрдам шартномалари ҳам шу асосда шаклланади. Улар пуллик ва бепул (давлат тайинлови асосида) кўринишида амалга оширилиши мумкин [1].

Шартнома тузилиши билан ишонч билдирувчи ва адвокат ўртасида фуқаролик-ҳуқуқий муносабат юзага келади. Ишонч билдирувчи қонуний равишда қуйидаги ҳуқуқларга эга: кўрсатиладиган хизматнинг касбий, ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши; хизмат ҳақида тўлиқ маълумот олиш; шартномани одил шартлар асосида ўзгартириш ёки бекор қилиш. Адвокат эса ўз навбатида мутахассис сифатида ҳуқуқий позициясини эркин ифода этиш, белгиланган тўловни олиш, ишонч билдирувчи манфаатларини ҳимоя қилишда мустақилликка эга. Унинг мажбуриятлари касбий этикага риоя қилиш, махфий маълумотларни сир сақлаш ва холисликни таъминлашни ўз ичига олади.

Юридик ёрдам шартномаларининг амалда бузилишига олиб келувчи ҳолатлардан энг кенг тарқалгани — шартноманинг ёзма шаклда тузилмаслиги. Баъзи адвокатлар оғзаки келишув асосида иш бошлайди, бу эса кейинчалик ҳақ тўлаш, жавобгарлик ва хизмат

мазмуну юзасидан низоларга сабаб бўлади. Иккинчи асосий муаммо — хизмат ҳақининг шартномада аниқ кўрсатилмаслиги бўлиб, бу ҳолат солиқдан қочиш ёки норасмий тўловлар сабаб юзага келади. Учинчи ҳолат — адвокатнинг хизматни асоссиз равишда тўхтатиб қўйиши бўлиб, бу ишонч билдирувчи ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади. 2022 йилда шундай 1 300 дан ортиқ мурожаат Адвокатлар палатасига келиб тушган.

Адвокат ва ишонч билдирувчи ўртасидаги муносабатларда махфийлик принципи алоҳида аҳамиятга эга. "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддасига асосан, адвокат ишонч билдирувчидан олинган маълумотларни учинчи шахсларга ошкор қилмаслиги шарт. Аммо 2023 йилда Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган мониторингда 84 та ҳолатда адвокатлар махфий маълумотларни рўйхатсиз тарқатгани аниқланган. Бу ҳолат касбий этикага зид бўлиб, адвокатлик фаолиятидан четлаштиришгача олиб келиши мумкин.

Ҳозирги амалиётда шартнома шакллариининг ягона стандарти йўқлиги яна бир муҳим муаммодир. Ҳар бир адвокат ёки юридик компания ўз форматида шартнома тайёрлайди. Айрим ҳолларда, шартнома умуман расмийлаштирилмайди. Бундай ҳолатларда, келишмовчиликлар юз берганда ҳуқуқий баҳсларни ҳал қилиш қийинлашади. Шундан келиб чиқиб, давлат тасдиқлаган стандарт шартнома шакллариини жорий этиш ва уларни мажбурий тавсия сифатида белгиллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Агар шартнома шартлари бузилса, ишонч билдирувчи шартномани бекор қилиш, моддий ва маънавий зарарни қоплатиш, судга мурожаат қилиш ёки Адвокатлар палатасига шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир. Адвокат эса ўз навбатида ҳақ тўланмаган ҳолларда суд орқали маблағни ундириш, беасос айбловларга қарши шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Амалдаги ҳуқуқбузарликларни камайтириш мақсадида қуйидаги чоралар таклиф этилади: шартномаларнинг ёзма ва аниқ шаклда тузилишини мажбурий этиш; солиқ ҳисоботларини шаффоф юритиш талабини қонун билан мустаҳкамлаш; адвокат ва ишонч билдирувчи ўртасидаги муносабатларда касбий этика ва ҳуқуқий маданиятни ошириш. Бу чоралар ҳуқуқий ёрдам шартномаларининг самарадорлигини оширади ва жамоатчилик ишончини мустаҳкамлайди.

1-жадвал

Ўзбекистонда юридик ёрдам кўрсатиш шартномаларининг амалий таҳлили

№	Муаммо / Элемент	Амалий ҳолатлар (Ҳужжатлар асосида)	Таҳлил ва таклифлар
1	Шартнома тузиш шакли	Барча шартномалар ёзма шаклда. Адвокат ва ишонч билдирувчи шахс	Шартнома тузиш маданияти шаклланган, бироқ шакллар ягона эмас. Ягона давлат намунасини ишлаб чиқиш лозим.

		ўртасида 2 нусхада тузилади.	
2	Иш бошланиши	Шартнома имзолангандан ва ҳақ тўлиқ тўланганидан сўнг кучга киради. Айрим ҳолларда аванс кўринишида бўлиб-бўлиб тўлов этилади.	Аниқ бошланиш механизми мавжуд. Қонунчиликда “фақат тўловдан сўнг кучга киради” деб мустаҳкамлаш тавсия этилади.
3	Ҳуқуқ ва мажбуриятлар тақсимои	Адвокат: ўз позициясини келишиш, досье юритиш, сирни сақлаш; Ишонч билдирувчи: ҳақиқатни айтиш, ҳужжатларини тақдим қилиш, ҳақ тўлаш.	Тарафларнинг мажбуриятлари муфассал ёзилган, бироқ кўп шартномада адвокат мажбурияти кенг, ишонч билдирувчиники чекланган.
4	Хизмат ҳақи кўрсатилиши	Бир шартномада — 4 млн сўм, бошқасида — бўлиб-бўлиб тўлов ва мукофот пули (кийматининг 50%) белгиланган. Аммо айрим ҳолларда умумий ҳақ кўрсатилмаган.	Қонунан шартномада ҳақ кўрсатилиши шарт. Солиқдан қочиш ҳолатларининг олдини олиш учун санкциялар керак.
5	Компенсация тўловлари	Почта, транспорт, меҳмонхона, давлат божлари, амортизация ва бошқа харажатлар айрим ҳолларда алоҳида кўрсатилган.	Ҳар бир харажат учун ҳисоб-китоб талаб этилиши шарт. Барча харажатлар аниқлаштирилган ҳолда ёзилиши зарур.
6	Жавобгарлик	Натижа учун эмас, ҳаракат учун жавобгарлик. Ишонч билдирувчи ёлғон маълумот берса — 10 барабар ҳақ тўлаш.	Адолатли, лекин кам фойдаланилади. Амалда адвокатни ҳимоя қилувчи қоидалар етарли эмас.
7	Шартноманинг тугаши	Иш якунланганда ёки бир тараф бажаришдан бош тортганда бекор бўлади.	Шартли ва аниқ белгиланган ҳолатлар бор. Қонуний асосни кучайтириш тавсия этилади.
8	Адвокатлик сири ва ахлоқ	Барча шартномаларда сирни сақлаш ва касб этикасига риоя қилиш кўрсатилган.	Амалий назорат заиф. Этик кўмита фаолиятини кучайтириш керак.
9	Баҳс ва шикоят ҳолати	Топшириш-қабул далолатномасида — иш тўлиқ бажарилган, лекин тўлов тўлиқ қилинмаган. Айрим ҳолларда ҳеч қандай шикоят йўқлиги қайд этилган.	Тўлов билан боғлиқ низолар суд ва ҳакамлик органлари орқали ҳал қилинади. Автоматик пеня тизими жорий этилиши мумкин.

Манба: Муаллиф томонидан тузилган

Ушбу жадвал Ўзбекистонда тузиладиган юридик ёрдам шартномаларининг ҳукукий ва амалий жиҳатларини чуқур таҳлил қилади. Унда ҳукукий ёрдам беришда шартнома тузиш усули, иш бошланиши, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, хизмат ҳақининг кўрсатилиши, жавобгарлик механизми, ахлоқий қоидалар ва низоларни ҳал этиш тартиблари реал шартнома ҳужжатлари асосида аниқланган. Жадвал адвокат ва ишонч билдирувчи ўртасидаги шартномавий муносабатларни ҳукукий жиҳатдан тизимлаштириш ва такомиллаштириш бўйича таклифларни ҳам ўз ичига олади.

Қиёсий таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, ривожланган ҳукукий тизимларга эга давлатларда адвокатлик фаолияти қатъий нормалар, касбий масъулият ва шаффоф келишувлар асосида амалга оширилади.

Масалан, Грузия амалиётида ҳар бир адвокат ишонч билдирувчи билан махсус тасдиқланган стандарт шартнома асосида иш бошлаши шарт. Бу ҳолат хизмат мазмуни, ҳақ тўлаш тартиби ва тарафларнинг ҳуқуқ-мажбуриятларини бошиданок аниқ белгилашга хизмат қилади. Грузия адвокатлари учун ягона электрон реестр ва ҳисобот тизими ҳам жорий этилган [13].

Японияда эса адвокатлик фаолияти касб сифатида жуда катта масъулият билан бағрида сақланади. Адвокатнинг касб этикасига оид қоидалар қатъий тартибга солинган бўлиб, уларни бузган шахслар ҳаёт давомида қайта лицензия олиш ҳуқуқидан маҳрум этилади. Бу мамлакатда адвокат этикаси ва мижоз билан ишончли муносабатлар – ҳукукий тизимнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралади [12].

Украина амалиётида “натижа учун эмас, ҳаракат учун жавобгарлик” тамойили аниқ ҳукукий асосга эга. Адвокат ишонч билдирувчининг “умидларини эмас, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади” деган тамойил касб фаолиятининг марказий мезони сифатида қабул қилинган. Бу орқали адвокатнинг вазифаси ҳукукий реаллик асосида хизмат кўрсатишдан иборат экани эътироф этилади.

Германияда адвокатлар фаолияти махсус “Федерал адвокатура тартиб-қоидалари” билан тартибга солинади. Бу ҳужжатда адвокатлик этикаси, мижоз билан алоқалар, тўлов тартиби ва ҳатто конфликти интересов масалаларига алоҳида эътибор берилган. Немис амалиётида адвокат ҳар бир ҳукукий ёрдам кўрсатишда иш ҳақи учун чекланган минимал ва максимал тарифлар асосида ҳаракат қилади, бу эса ортикча баҳсларни камайтиради [11].

Францияда адвокатлик касби “officier ministériel” — яъни, давлат номидан ҳаракат қилувчи мустақил шахс сифатида тан олинган. У ерда адвокат ва мижоз ўртасидаги шартнома ҳукукий кучига эга бўлган ва нотариал расмийлаштирилиш тавсия этиладиган

хужжатдир. Адвокат касб одоблари бўйича ҳам Франция Адвокатлар Кенгаши доимий мониторинг ўтказди [15].

АҚШда эса адвокатлик шартномалари "engagement letter" ва "fee agreement" шаклида амалга оширилади. Бу ҳужжатларда ишнинг тури, тахминий ҳақ, тўлов шартлари ва этика бўйича баёнлар аниқ ифода этилади. Америкалик адвокатлар мижозлар билан келишувда мажбурий равишда махфийлик ва манфаатлар тўқнашуви бўйича баёнотларни шартномага киритадилар [16].

Ушбу қиёсий тажрибаларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ривожланган мамлакатларда адвокатлик фаолияти шаффоф, стандартлашган ва қатъий ҳуқуқий назорат остида ташкил этилган. Бу тажрибалар Ўзбекистонда ҳам юридик ёрдам шартномалари тизимини ислоҳ қилишда модел ва методологик асос сифатида хизмат қилиши мумкин. Айниқса, шартнома стандартларини тасдиқлаш, адвокатлик сирини кафолатлаш, тўлов шаффофлигини таъминлаш ва касбий жавобгарликни мустаҳкамлаш соҳаларида халқаро амалиётдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Муҳокама ва хулоса. Юқорида келтирилган ҳуқуқий, қиёсий ва амалий таҳлиллардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистонда юридик ёрдам шартномалари амалдаги ҳуқуқий базага таянган ҳолда тузилаётган бўлса-да, уларни амалга ошириш ва ҳуқуқий нуқтаи назардан баҳолаш жараёнларида бир қатор тизимли муаммолар мавжуд.

Аввало, шартномаларнинг ҳуқуқий табиати “хизмат кўрсатиш шартномаси” деб белгиланган бўлса ҳам, аксар ҳолларда уларда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари етарлича аниқ ва ёзма шаклда баён этилмагани, шунингдек ҳақ тўлаш шартларининг ноаниқлиги амалиётда ишончсизлик ва низолар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Хизмат ҳақи кўрсатилмаган ёки шартномада бўш қолдирилган ҳолатлар солиқ қонунчилигини бузиш, расмий ҳисоботнинг йўқлиги ва ҳуқуқий шаффофликнинг пасайишига олиб келмоқда.

Адвокат ва ишонч билдирувчи ўртасидаги шартномалар шаклан турлича, мазмуни бўйича номувофиқ, ва уларда ягона стандартларга риоя этилмаётгани кўзга ташланмоқда. Баъзи ҳолларда шартнома умумий ифодада тузилади, баъзида эса хизмат ҳақи ҳақида маълумот умуман кўрсатилмайди. Шу боис, бир ҳолатда адвокатлар ҳақ тўланмасдан иш олиб боришади, бошқа ҳолатда эса ишни асоссиз тарк этиш ҳолатлари кузатилади.

Муҳим жиҳатлардан бири шундаки, тарафларнинг, айниқса адвокатнинг жавобгарлик ҳажми амалиётда нотўғри талқин қилинаётгани аниқланди. Ишонч билдирувчилар кўпинча ҳуқуқий ёрдам хизматини “натижага” қараб баҳолашмоқда, ҳолбуки амалдаги ҳуқуқий тартибда адвокат фақат ўз касбий ҳаракатлари учун жавобгар саналади. Бу эса шартнома

мазмунида “ҳаракат стандартлари” га оид нормаларни ёзма равишда аниқ баён қилиш зарурлигини кўрсатади.

Қиёсий ҳуқуқ таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, ривожланган ҳуқуқий тизимларга эга мамлакатларда шартнома мазмуни, адвокатнинг касбий жавобгарлиги, этика меъёрлари ҳамда шартнома шакллари қатъий ва стандартлашган. Масалан, Грузияда ҳар бир адвокат давлат томонидан тасдиқланган шартнома шаклидан фойдаланиши шарт, Японияда касб этикасини бузган адвокатлар лицензиядан бутунлай маҳрум этилади, Германияда хизмат ҳақлари қонуний тарифлар асосида белгиланади, АҚШда эса “engagement letter” орқали адвокат ва мижоз ўртасидаги барча шартлар ёзма шаклда, иш бошлашдан олдин аниқлаштирилади.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳам юридик ёрдам шартномаларини тузиш, юритиш ва назорат қилиш бўйича қуйидаги тизимли такомиллаштириш чоралари долзарб ҳисобланади:

- адвокат ва ишонч билдирувчи ўртасида тузиладиган шартномалар учун стандартлашган, давлат тасдиқлаган шаклни жорий этиш;
- шартномада хизмат мазмуни, ҳақ тўлаш тартиби, ҳаракат мезонлари ва жавобгарлик механизмларини аниқ ёзма шаклда баён қилиш талабини мажбурий этиш;
- адвокатлик фаолиятида касбий назорат ва этика стандартларини мустаҳкамлаш;
- адвокатлар ва ишонч билдирувчилар ўртасидаги муносабатларда ҳуқуқий саводхонлик ва маданиятни ошириш бўйича ҳуқуқий-тушунтириш ишларини кучайтириш.

Шу орқали, юридик ёрдам шартномалари тизими фақат ҳуқуқий жиҳатдан эмас, балки амалий ва маданий жиҳатдан ҳам такомиллашиб, жамиятда адвокатлик фаолиятига бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Қабул қилинган сана: 1996 йил 29 август. (2024 йилги таҳрирда).
2. Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни. Қабул қилинган: 1996 йил 27 декабрь, №349-I. lex.uz
3. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги Қонуни. Қабул қилинган: 2023 йил 16 июн, ЗРУ-848. lex.uz
4. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (янги таҳрир, 2020 йил ва кейинги ўзгартишлар билан).
5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси. 2018 йил, № ЗРУ-474.

6. Якубов А.Ж. (2015). “Фуқаролик шартномаларининг назарий асослари”. – Тошкент: ЮрФаК нашриёти.
7. Холмўминов Н.Х. (2019). “Юридик хизматлар бозори: назария ва амалиёт”. – Т.: Adolat.
8. Раҳимов Ш.З. (2021). “Адвокатлик фаолиятида касб этикаси ва махфийлик тамойиллари”. – Юридик фанлар журналы, №2.
9. Витрянский В.В. (2012). “Обязательственное право. Договорные модели ответственности”. – Москва: Статут.
10. Комаров А.Г. (2010). “Гражданское право. Теория обязательств”. – Москва: Инфра-М.
11. Deutsches Bundesrechtsanwaltsordnung (BRAO) – Германия Федерал адвокатура тартиб-қоидалари. Берлин, 2021 йил таҳрири.
12. Japan Federation of Bar Associations (JFBA). “Code of Ethics for Attorneys”, Tokyo, 2020.
13. Georgia Bar Association. “Standard Form Contract for Legal Aid”, Tbilisi, 2019.
14. Ukraine Law on Advocacy and Legal Practice, No. 5076-VI, 2012 (амалдаги таҳрири).
15. French National Bar Council (Conseil National des Barreaux). “Déontologie des avocats” – Paris, 2021.
16. American Bar Association. (2019). “Model Rules of Professional Conduct”. Chicago: ABA Publishing.
17. United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC). (2016). “Guidelines on the Role of Lawyers”.
18. OECD (2020). “Fighting Tax Evasion: Transparency in Legal Service Agreements”. OECD Publishing.
19. European Commission for the Efficiency of Justice (CEPEJ). (2018). “Handbook for Legal Professionals on Client Relations”.
20. LexisNexis. (2022). “International Legal Ethics and Client Confidentiality in Comparative Perspective”.